



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 103 (13.436)

Баҳоси эркин нарҳда

БАРЧА ЛОЙИҲА ВА ДАСТУРЛАРДАН АСОСИЙ МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари, йирик лойиҳалар билан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 17 май куни Сирдарё вилоятига ташриф буюрди.

Сирдарё вилоятининг салоҳияти ва аҳоли турмуш даражасини ошириш бўйича изчил ишлар олиб борилаётган. Вилоят иқтисодий зонасининг Сирдарё филиали, "Бек" ишлаб чиқариш бирлашмаси, "Гулстон медтехника", "Сирдарё мега люкс" қўшма корхоналари вилоят иқтисодий зонасининг муҳим ўрин тутмоқда.

Мураккаб иқлим шароитига қарамай, Сирдарё деҳқон ва фермерлари пахта ва галладан мўл ҳосил етиштирмоқда. Мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларидан қўшимча даромад топишмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Сирдарё вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгиланган. Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида ана шу режалар ижроси, шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечириди.

Президентимиз дастлаб Сардоба сув омбори қурилишининг бориши билан танишди.

Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан 2010 йилда Жанубий Мирзачўл каналининг марказий тармоғи ўтган ҳудудда сув омбори бунёд этила бошланган эди. Жорий йилда қурилиши якунланган гидро-

иншоотда 922 миллион куб метр сув тўпланади. Бу Сирдарё ва Жиззах вилоятларидаги унумдор ерлардан фойдаланиш, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш имконини беради.

Кўп тармоқли фермер хўжалиқларини ривожлантириш бўйича, одамлар тақририй экин экиб, қўшимча даромад топиш. Сардоба сув омбори ҳудуддаги деҳқон ва фермерларга бу борада катта имкониятлар яратди, деди давлатимиз раҳбари.

Президентимизнинг Хитой Халқ Республикасига давлат ташрифи чоғида гидроэнергетика соҳасида ҳам муҳим келишувларга эришилди. Ушбу мамлакат билан ҳамкорликда сув омбори ёнида қуввати 15 мегаватт бўлган мини гидроэлектростанция қурилади.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизда муқобил энергетикани ривожлантириш бўйича истиқболли чора-тадбирлар ишлаб чиқариш, гидроэнергетика соҳасида янги компания тузилиши режалаштирилаётганини таъкидлади.

Сув омбори атрофида дам олиш зонаси ташкил этилади.

Шу ерда Мирзачўл туманида амалга оширилиши режалаштирилган қишлоқ хўжалиги соҳасидаги истиқболли лойиҳалар тақдироти ўтказилди.

"Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятига қарашли "Сардоба темир йўл агросаноат маж-

муаси" унитар корхонаси томонидан балиқчилик, чорвачилик, мева-сабзавотни қайта ишлаш, сут маҳсулотлари ва омихта ем ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган лойиҳалар амалга оширилиши режалаштирилган.

Сардоба сув омбори ва Мирзачўл тумани ҳудудида ташкил этиладиган балиқчилик мажмуаси инкубацион цех, интенсив ҳовузлар, балиқни қайта ишлаш заводи, маҳсулотларни сақловчи музлаткич-ни ўз ичига олади. Балиқ учун омихта ем ҳам шу ернинг ўзида ишлаб чиқарилади. Ушбу корхоналарда 150 иш ўрни яратилади. Мажмуа "Ипотека-банк" билан ҳамкорликда ташкил этилаётган "Сирдарё балиқ саноат" корхонаси учун асосий база бўлиб хизмат қилади.

Президентимиз бу ерда Вьетнам технологияси асосида балиқ етиштиришни кўпайтириш, соҳа вакиллари ўқитиш, касб-хунар коллежларида балиқчилик бўйича мутахассислар тайёрлаш зарурлигини таъкидлади.

Сардоба мева-сабзавотлар логистика маркази ҳам кўп тармоқли бўлади. Бу ерда мева-сабзавотлар етиштириш, саралаш, қайта ишлаш, қадоклаш, музлатиш, сақлаш, қуриштириш ва етказиб бериш ташкил этилади. Корхонада 220 киши иш билан таъминланади.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Эрон Ислом Республикаси Президенти Ҳасан Рухоний давлатларимиз ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 25 йиллиги муносабати билан бир-бирларини қутладилар.

Ўзбекистон Президенти ўз қутловида "жорий йилда давлатларимиз Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида навбатдаги сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказилди, ишбилармон доиралар ўртасида алоқалар жадаллашмоқда", деб мамнуният билан таъкидлаган.

"Ишончим комилки, сиёсий иродамиз ва умумий интилишларимиз билан кўп қиррали ва узоқ муддатли шерикликни сифат жиҳатидан янги босқичга ва давлатларимиз салоҳиятига мос даражага олиб чиқамиз", деб қайд қилинган давлатимиз раҳбарининг қутловида.

Президент Ҳасан Рухоний қутловида "ўтган вақт давомида мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни ривожлантириш ва кенгайтириш йўлида салмоқли қадамлар ташланди", деб таъкидлаган.

Эрон Президенти "ўзаро муносабатлар гуллаб-яшнаши, икки мамлакат учун муҳим устувор йўналишларда ўзаро алоқаларнинг ҳар томонлама ривожланиши самарали ва узоқ муддатли натижалар бериши, шунингдек, минтақада тинчлик ва барқарорлик янада мустаҳкамланиши"га ишонч билдирган.

ЎЗА

ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИК ТАЛАБЛАРИ

Тошкентдаги Симпозиумлар саройида 17 май куни "Замонавий жаҳон архитектура" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.


Тадбир Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан "SFI Management Group" компаниясининг "Tashkent City Development" лойиҳасини амалга ошириш доирасида ўтказилди. Унда даниялик таниқли халқаро меъмор, "Gehl Architects" компанияси асосчиси Ян Гейл, пойтахтимиздаги лойиҳалаш ва қурилиш ишларига масъул мутахассислар, меъморлар, соҳага оид олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ва талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раиси ўринбосари А.Тожиев ва бошқалар мамлакатимизда шаҳар ва қишлоқларнинг замонавий меъморлик қиёфасини шакллантириш, йўл-транспорт инфратузилмасини реконструкция қилиш ҳамда янгилаш, кўчаларда педалар ҳаракати ва транспорт воситалари қатновини замон талабларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 1 майдаги "Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бу борадаги ишлар қўламини янада фаоллаштиришга хизмат қилмоқда.

(Давоми 3-бетда)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

Пойтахтимизда замонавий тиббиёт асбоб-ускуналарини ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатадиган янги марказ очилди.



ЯНГИ ЎҚУВ ВА ХИЗМАТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт марказлари вакиллари, Германиянинг халқаро ҳамкорлик ташкилоти, Россиянинг "Союзмедсервис" маркази мутахассислари, шифокорлар, талабалар иштирок этди.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигини биринчи ўринбосари Б.Юсуфалиев ва бошқалар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ этиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини такомиллаштиришга қаратилаётган эътибор инсон манфаатларини

муҳофазалаш ва халқимизнинг саломатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Жорий йилнинг ўтган даврида бу борада Президентимизнинг қатор фармон ва қарорлари қабул қилинди. "Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили" Давлат дастурида муҳим чора-тадбирлар белгиланган. Ушбу чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича изчил иш олиб борилаётган.

Бирламчи тиббий-санитария бўғинини такомиллаштириш, шовилчин ва ихтисослаштирилган тиббиёт тизимини замонавийлаштириш, фармацевтика саноатини ривожлантириш,

дори-дармон таъминотини яхшилаш, нарх-наво мутаносиблигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Соғлиқни сақлаш тизимини олиб борилаётган ислохотлар жараёнида тиббиёт муассасаларини замонавий диагностика ва даволаш технологиялари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Ҳозирги кунда мамлакатимиз тиббиёт тизимини замонавий ультратовуш таҳлил, рентген аппарати, компьютер томограф, магнит резонанс томограф, кардиограф, эндоскоп, лапароскоп, доплер каби юқори технологиялардан самарали фойдаланишмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ТУРКМАНИСТОНГА ТАШРИФИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан 2017 йилнинг 19-20 май кунлари амалий ташриф билан Туркменистонда бўлади.

Президентимизнинг жорий йил 6-7 март кунлари Туркменистонга давлат ташрифи доирасида ўтган олий даражадаги Ўзбекистон – Туркменистон мулоқотининг давоми бўладиган Туркманбоши шаҳрида ўтадиган учрашув ва музокараларда мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликка доир долзарб масалалар муҳокама қилинади, минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашилади.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Орол фожиясидан энг кўп зарар кўрган ҳудудларидан келган бир гуруҳ болалар дам олаётган "Аваза" миллий сайёҳлик зонасига ҳам ташриф буюради.

Давлат раҳбарларининг музокаралари якунида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган ҳукуматлараро, идоралараро ва бошқа қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган. Ташриф доирасида мамлакатларимиз ишбилармон доиралари ўртасида ўзаро манфаатли тижорат шартнома ва битимлар имзоланиши кўтилмоқда.

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Хабар қилинганидек, 19-20 май кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Туркменистон Президенти Гурбангули Бердимухамедовнинг таклифига биноан амалий ташриф билан мазкур мамлакатда бўлади.

Режалаштирилган олий даражадаги учрашув республикамиз раҳбарининг жорий йил 6-7 март кунлари қардош мамлакатга буюрган биринчи давлат ташрифининг мантйқий давомидир. Эслатиб ўтамиз: ушбу беҳад самарали учрашув ҳамда музокараларнинг асосий натижаси ўлароқ, икки томонлама муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга, стратегик шериклик даражасига чиқди. Шуни қайд

этиш керакки, Ўзбекистон – Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг эркин хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуаси барпо қилинган биринчи маскан Туркменистон бўлди. Мазкур давлат ташрифи чоғида Шавкат Мирзиёев ва Гурбангули Бердимухамедов иштирокида ушбу ёдгорлик мажмуасининг очилиш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда)

XXI аср саҳоси
Барча манбалардан олинган сўнги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

- Самарқанд вилоятидаги ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Касб маҳорати" кўргазмаси, "Энг яхши мутахассис" ва "Энг яхши бизнес лойиҳа" кўрик-танловлари ўтказилди.
- Андижонда "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" шио-

БАРЧА ЛОЙИҲА ВА ДАСТУРЛАРДАН АСОСИЙ МАҚСАД – ИНСОН МАНФААТЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мирзабод туманида ташкил этиладиган чорвачилик комплексида зотдор қорамолларни кўпайтириш орқали аҳолига гўшт ва сут етказиб бериш йўлга қўйилди. 100 иш ўрни яратилади.

Ушбу тумандаги яна бир корхонада сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. 3 минг 500 тонна сут қайта ишланиб, кенг турдаги маҳсулотлар тайёрланади ва қадоқланади. 25 кишининг бандлиги таъминланади.

Тармоқдаги корхоналарни омихта ем билан таъминлаш мақсадиди шу йўналишда корхона ташкил этиш мўлжалланган. 3 минг тонна омихта ем ишлаб чиқариладиган корхонада 25 иш ўрни яратилади.

Президентимиз Мирзабод туманидаги “Абдуғани Турдибоевич” кўп тармоқли фермер хўжалиги фаолияти билан танишди.

Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалиги изчил ривожланиб, чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва бошқа тармоқларда юқори натижаларга эришадиган кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафи кенгайиб бормоқда. Улар томонидан амалга оширилаётган лойиҳалар аҳоли фаровонлигини ошириш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш имконини бермоқда.

“Абдуғани Турдибоевич” кўп тармоқли фермер хўжалиги 34 гектар ер майдонига эга. Унинг 16 гектариди пахта, 15 гектариди галла, 3 гектариди соя этиштирилмоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 14 мартдаги 2017-2021 йилларда республикада соя экинчи экинчи ва соя дони этиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори ва давлатимиз раҳбарининг Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида берган топшириқлари ижросини таъминлаш мақсадиди жорий йилда мамлакатимиздаги 2 минг 200 дан зиёд фермер хўжалигида 21 минг гектар майдонга соя экиш кўзда тутилган. Натижада 33,7 минг тонна соя дони этиштирилиб, 6,1 минг тонна ўсимлик ёғи ҳамда 25 минг тоннадан ортиқ соя шротни ишлаб чиқарилади.

Бундан ташқари, соя экилган майдонларда соф азот тўпланиши ва тўпроқ унумдорлиги яхшиланиши ҳисобига пахта ва галладан юқори ҳосил олиш имконияти яратилади.

Соя этиштиришни кўпайтириш, уни шу ернинг ўзиди қайта ишлаб, экспортга ҳам йўналтириш чораларини қўриш керак, деди Президентимиз. Соя экиш орқали ер унумдорлигини ошириш, соя агротехикаси бўйича мутахассислар тайёрлаш лозим.

Давлатимиз раҳбари вилоятда боғдорчилик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш лойиҳаларини ҳам кўздан кечирди. Лойиҳалар бўйича фикрларини билдириб, мутахассисларга тегишли топшириқлар берди.

Президентимиз шу ерда нуруний отахонлар билан мулоқот қилди.

Шавкат Мирзиёев Гулистон шаҳридаги “Sirdaryo Best Fashion” корхонасида бўлди.

Жорий йил март ойида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада 500 га яқин одам иш билан таъминланган. Бу ерда ишлаб чиқарилаётган трикотаж маҳсулотлари тўлиқ экспорт қилинмоқда.

Замонавий ва энергиятежамкор технологик ускуналар билан жиҳозланган корхона бугун нафақат вилоятда, балки мамлакатимиз микросида ҳам ўз ўрнига эга.

Президентимизга 2017-2018 йилларда вилоятда енгил саноат соҳасини ривожлантириш бўйича манзилли дастур ҳақида маълумот берилди. Дастурда болалар спорт кийимлари, трикотаж ва моёмик матолар, тайёр газлама, калава ип ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Корхоналар 72 минг тонна пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлиб, уларда 3 мингдан ортиқ иш ўрни яратилади.

Шавкат Мирзиёевга вилоятда ташкил этилаётган фармацевтика ва тиббиёт бўюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар лойиҳалари ҳақида ҳам сўзлаб берилди.

Янги ташкил этиладиган корхоналарда ишлаб чиқариладиган фармацевтика ва тиббиёт бўюмлари импорт қилинаётган маҳсулотлар ўринини босади.

Давлатимиз раҳбари яратилган иш ўринларига қоллеж битирувчиларини кенг жалб қилиш кераклигини алоҳида қайд этди.

Мамлакатимизнинг барча шаҳарлари қатори Гулистон шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Гулистон шаҳрининг Ўзбекистон ва Бирлашган Қўлашарида 180 хонадонли 15 кўп қаватли уй қурилди. Уйларнинг биринчи қавати савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларига мўлжалланган.

ЮКСАК ЭЪТИРОФ

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева таваллудининг 70 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда халқимизнинг севишли шоирасини муборакбод этиш учун ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунослар, адабиёт ихлосмандлари жам бўлди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида биноан адабиётининг равнақи йўлидаги кўп йиллик самарали меҳнати, ёш авлоднинг маънавий салоҳиятини юксалтиришдаги муносиб ҳиссаси, мамлакатимизнинг ихтимойи ҳаётидаги фаол иштироки учун Ҳалима Худойбердиева “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов Президентимиз фармонини ўқиб эшиттирди ва Ватанимизнинг юксак мукофотини Х.Худойбердиевага тантанали равишда топширди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Ахмедов, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раиси ўринбосари Г.Маъруфова, “Маънавий ҳаёт” журнали бош муҳаррири Э.Шукuroв, “Саодат” журнали бош муҳаррири Ф.Жалилова, танқиди шоирлар Қ.Раҳимбоева, Х.Ортиқбоева, адабиётшунос К.Йўлдошев ва бошқалар Х.Худойбердиева ижодий фаолиятига тўхталиб, унинг ўзбек адабиёти равнақи йўлидаги улкан хизматлари, сўзга масъулияти ёш изодкорлар учун юксак намуна эканини таъкидлади. Шоиранинг “Эл-юрт ҳурмати” ордени билан тақдирлангани Президентимиз изодкорларни доимо қўллаб-қувватлаб кел-

лаётганининг яна бир ёрқин намунаси.

– Ҳалима Худойбердиева шеърятининг мавзу ва маъно кўлами ниҳоятда кенг ва чуқур, унинг шеърларида гўдак, аёл, ота-она, Ватан мавзolari устувор. У ўз шеърлари билан ўзбек аёлига поэтик ҳайкал қўйган изодкор, – дейди ЎЗА муҳбирига таъкидлаб адабиётшунос олим, профессор Қозоқбой Йўлдошев, – Шоиранинг шеърларини шунчаки ўқиб бўлмайди. Ҳар мисраси киши қалбидида туйғулари жўштиради, ҳаётга ишончини оширади, инсон номига муносиб бўлиб яшашга ундайди.

– Устозимиз Ҳалима Худойбердиева шеърларини тез-тез такрорлаб тураман, – дейди Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси Гули Нигор Авазова. – Устоз шеърлариди шиддаткорлик, инсонийлик жиҳатлари, туйғулар турғени, жасоратнинг намунаси биз, ёшларга ҳамма сабоқ бериб туради.

Ўзбекистон халқ шоири Ҳалима Худойбердиева адабиётимиз равнақи, изодкорларни доимий қўллаб-қувватлашга қаратаётган юксак эътибори учун давлатимиз раҳбарига сазимий миннатдорлик билдирди.

Икром АВВАЛБОВЕВ

Президентимиз шу уйлар жойлашган “Намуна” маҳалла фуқаролар йиғинига ташриф буюрди. Маҳалла раиси ва фаоллари билан мулоқотда мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш, одамларнинг турмуш даражасини ошириш, маҳалла идораларининг имкониятларини кенгайтириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида сўз қилинди.

Мазкур маҳалла профилактика инспектори Санжар Муродов ақинда Гулистон давлат университети талабаси Хуриятхон билан оила қурган. Президентимиз жорий қилган тизимга мувофиқ янги қурилган уйлардаги хонадонлардан бири С.Муродов оиласига берилган. Давлатимиз раҳбари Санжар Муродов хонадониди бўлди.

Шавкат Мирзиёев фуқаролар йиғинида маҳалла раиси, маслаҳатчилар ва профилактика инспектори ишлари учун яратилган шароитлар билан танишди. Жиноятчиликнинг олдини олиш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, одамларни рози қилишда уларнинг ҳамкорлиги муҳим экани таъкидланди.

Шу ерда Гулистон шаҳрининг бош режаси асосида амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тақдироти ҳам ўтказилди.

Гулистонда сизот сув сатҳини пасайитириш ишлари давом этмоқда. Шаҳарга олиб борадиган йўл ўтказгич реконструкция қилинмоқда. Тошкент кўчаси кенгайтирилиб, атрофда кўп қаватли уйлар қурилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон ва Мустақиллик қўчалари оралиғида маданий марказ барпо этилади. Хотира майдони, замонавий амфитеатр, вилоят театрининг янгиланган биноси, китоб дўкони бу ердаги маъмурий бинолар билан ҳаммаҳанглик касб этади.

Президентимиз бу иншоотларнинг ихтимойи аҳамиятига алоҳида эътибор қаратди. Китоб дўкони олдида сўлим хиёбон барпо этиб, Алишер Навоий хайкалини ўрнатиш зарурлигини таъкидлади. Лойиҳаларни тақомиллаштириш, қурилиш ишларини ўз вақтида, сифатли бажариш бўйича зарур тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев Янгйер шаҳрига ташрифи чоғида хусусийлаштирилган, аммо бугун бўш турган корхона ва объектлардан самарали фойдаланиш юзасидан қўрилаётган чора-тадбирлар билан қизиқди.

Вилоят иқтисодиёт комплекси томонидан хўжалик юртуви субъектларни молиявий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ҳаракатлар режаси тўғрисида маълумот берилди.

Президентимиз мазкур ҳаракатлар режаси бўйича ҳар ойда бажариладиган ишларни аниқ белгиллаш ва мутасаддиларнинг масъулиятини ошириш, Тадбиркорликка қўмақлаш марказини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини иқтисодиётни янада ривожлантириш борасидаги муҳим вазифалардан бири сифатида хусусий мулкнинг ролини кўчатириш ва хусусийлаштирилган объектлар негизиди тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 18 апрелдаги “Хусусийлаштирилган корхоналар билан ишлаш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга қўтариш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кенгайтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Сирдарё вилоятидаги хусусийлаштирилган 1 минг 343 корхонада ўтказилган ҳатлов натижасида бугунги-кунда бўш турган ва қурилиши тугалланмаган 237 объект аниқланган. Ушбу объектлардан 130 таси фаолиятини қайта тиклаш бўйича инвестиция лойиҳалари ишлаб чиқилган. Унга қўра, мазкур корхоналарда саноат йўналишида қиймати 51,9 миллиард сўмлик 36, қишлоқ хўжалигида 11,8 миллиард сўмликдан ортиқ 26, хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида 18 миллиард сўмликдан ортиқ 68 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Натижада 1 минг 300 дан кўпроқ янги иш ўрни яратилади.

Гулистон шаҳридаги собиқ “Восток ЛТД” корхонасининг бўш турган биносиди “Record Textil” МЧЖ томонидан қиймати 10,1 миллиард сўмлик калава ипни бўйлаш, Сардоба туманидаги собиқ паррандачилик мажмуасида “Бобур” МЧЖ томонидан қиймати 1,9 миллиард сўмлик бройлер хўжалиги яратириш, Сирдарё туманидаги собиқ спорт жиҳозлари заводида “Файз” МЧЖнинг 20 миллиард сўмлик инвестицияси ҳисобидан гўзапояни қайта ишлаш орқали ДСП ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилди.

Ҳар бир объектни чуқур ўрганиш ва уни ишга тушириш бўйича аниқ тақдирлар тайёрлаш лозим, деди давлатимиз раҳбари. Бўш турган объектларни тадбиркорларга имтиёз-

ли шартларда бериш ва уларда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ички ва ташқи бозорларни топиш зарур.

Президентимиз “Янгйер” кичик саноат зонасида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 30 мартдаги қарори-га мувофиқ “Янгйер” кичик саноат зонаси ташкил этилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад шаҳар саноати салоҳиятини ривожлантириш, кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини рағбатлантириш, замонавий ишлаб чиқаришни ташкил қилишга инвестицияларни кенг жалб этиш ҳамда ички ва ташқи бозор учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қўлай шарт-шароит яратишдир.

Ушбу саноат зонасида 2017-2018 йилларга мўлжалланган қиймати салкам 106 миллион доллар бўлган 125 лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Бунинг самарасида вилоятда тўқимачилик, чарм-пойабзал, кимё, озиқ-овқат, электротехника саноати, қурилиш материаллари, мева-сабзавотни қайта ишлаш ва бошқа йўналишларда юқори технологияли маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. 3 минг 200 дан зиёд иш ўрни яратилади.

Саноат зонаси учун 537 гектардан зиёд ер майдони ажратилиб, уни йўл-транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмалари билан таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини жойлаштириш юзасидан изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Тадбиркорлар билан суҳбатда яратилган қўлай ишбилармонлик муҳитидан самарали фойдаланиш, рақобатбардош маҳсулотлар турини кўпайтириш, хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорлиқни кенгайтириш ва экспортни ривожлантириш юзасидан тавсиялар берилди.

Президентимиз саноат зонаси ҳудудидидаги собиқ “Янгйерўйлундустрия” унитар корхонасининг бўш турган биносини кўздан кечирди. Ҳудуди 9 гектар бўлган мазкур корхона “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти таркибига ўтказилиб, унинг негизиди Янгйер темир-бетон ва металл конструкциялари ишлаб чиқариш заводи ташкил этилмоқда. Мазкур заводида йилга 83 минг куб метр темир-бетон маҳсулотлари, 5,5 минг тонна металл конструкциялари ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда. Ушбу лойиҳа учун 80 миллиард сўм миқдориди инвестиция киритилди. Бу 1 минг 250 иш ўрни яратиш имконини беради.

Шавкат Мирзиёев ушбу корхона вилоятдаги муҳим саноат объектларидан бири экани, бу ерда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга талаб юқори бўлишини қайд этди.

Давлатимиз раҳбари Ховос туманидаги “Ҳожи Гадейбой ота” хусусий корхонаси томонидан ташкил этилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга мўлжалланган иссиқхона кўздан кечирди.

Сирдарё вилоятида 2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш бўйича янги корхоналар қуриш, мавжудларини реконструкция ва модернизация қилиш, ярим тайёр ва тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари, қадоқлаш материаллари ишлаб чиқариш дастури доирасида иссиқхонада Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган юқори самарадорликка эга замонавий ускуналар ўрнатилган.

Қиймати 625 минг доллар, майдони бир гектар бўлган иссиқхонада йилга 150-200 тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилади.

Президентимиз мазкур иссиқхона майдони ва етиштирилаётган маҳсулот турини кенгайтириш, соҳа вакиллари-ни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш кераклигини таъкидлади.

Шу ерда “Ўзбекосиқовқатхолдинг” холдинг компанияси томонидан 2017-2018 йилларда вилоятда ташкил этиладиган мева-сабзавотчилик лойиҳалари, Сирдарё туманидаги “Сирдарё голден фрутс” масъулияти чекланган жамияти мева-сабзавотчилик логистика маркази, Мирзабод ва Сайхунбод туманларида иссиқхоналар ташкил этиш, Гулистон туманида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, “Гулистон агро груп” масъулияти чекланган жамияти томонидан гуручни қайта ишлаш, “Агро эко технологи” масъулияти чекланган жамияти томонидан сабзавот ва дуккакли ўсимликлар етиштириш, унаби боғи ташкил этиш лойиҳалари тақдироти ҳам ўтказилди.

Гулистон шаҳрида Президентимиз раислигида Сирдарё вилояти фаоллари, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирокида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоят иқтисодиётини, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, йўл инфратузилмасини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, тинчлик-осойишталикни мустаҳкамлаш, белгиланган дастурларни амалга ошириш масалалари алоҳида эътибор қаратилди.

ЎЗА

ЯХШИ ҚЎШНИЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатларимиз ўртасида эришилган келишувларни ҳаётга изчил татбиқ этиш учун Ўзбекистон Президентининг 2017 йил 28 мартдаги Фармойиши билан ҳамкорликнинг алоҳида соҳалари бўйича амалий ҳаракатларнинг тегишли режалари (“Йўл хариталари”) тасдиқланди.

Олдинда турган ташриф дастурида икки давлат раҳбарларининг учрашуви, мамлакатлар расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги музокаралар назарда тутилган бўлиб, уларда ҳамкорликнинг истикболли йўналишлари кўриб чиқилади.

Ташриф доирасида икки мамлакатнинг тегишли вазирлик ҳамда идоралари ўртасида савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳужжатлар имзоланиш кўзда тутилмоқда.

Шу билан бирга, “Аваза” Миллий сайёҳлик зонаси инфратузилмаси билан танишув, мазкур ҳудуднинг спорт мажмуаси ҳамда бошқа объектларни кўздан кечирish режалаштирилган.

“Аваза” Миллий сайёҳлик зонаси – Туркменистон Президенти ташаббуси билан Каспий денгизи соҳилади барпо этилган дам олиш зонаси бўлиб, у ерда болалар ва катталар учун санаторий ҳамда соғломлаштириш мажмуалари жойлашган.

Бу маскан нафақат алоҳида жуғрофий ўрни, шаффоф денгиз суви, мусаффо, қумлоқли чўмилиш киргоҳлари ва мўътадил иқлими, балки сон-саноксиз минерал булоқлари ҳамда уларнинг шифобахш хусусиятлари билан ҳам эътиборга тушган.

Шуни алоҳида айтиш керакки, ҳозир ушбу дам олиш масканида Ўзбекистоннинг Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий ва Хоразм вилоятларидаги умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчилари дам олишмоқда.

Қардош халқларимиз ўртасидаги дўстона ҳамда яхши қўшнчилик ришталари ва икки давлат раҳбарлари даражасида қарор топган, ўзаро ишончга асосланган мулоқот Ўзбекистон – Туркменистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳар томонлама кенгайтиши учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Масалан, Тошкент ва Ашхобод халқаро майдонда бир-бирини қўллаб-қувватлаб келаяпти, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Оролни кўтариш халқаро жамғармаси ҳамда бошқа бир қатор халқаро тузилмалар доирасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш, терроризм, экстремизм, наркотрафик ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш, минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан ҳар икки давлат ўхшаш нуқтаи назарларга эга.

Таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ҳамда Туркменистон савдо-иқтисодий салоҳияти бир-бирини ўзаро тўлдиради. Жумладан, мамлакатимиздан транспорт хизматлари, минерал ўғитлар, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, электр ва механика ускуналари, металл бўюмлар ҳамда турли соҳаларни қамраб олган хизматлар Туркменистонга етказиб берилди. Ўз навбатида, нефть маҳсулотлари, пропилен полимерлари ва бошқа кимёвий товарлар республикаимизга келтирилади.

Салоҳият ҳамда ресурсларини ҳаётга татбиқ этишда Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Туркменистон ҳукуматлараро комиссияси муҳим ўрин тутмоқда. Мазкур комиссиянинг сўнгги йиғилиши 2017 йил январиди Ашхободда бўлиб ўтди.

Транспорт жабҳаси икки томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон ҳудуди орқали Туркменистонга, Туркменистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга юк ташилади. Давлатларимизнинг ўзаро интеграциялашган автомобиль ҳамда темир йўллари учинчи давлатлар учун ҳам транзит вазифасини ўтамоқда. Амударё устида қурилган автомобиль ва темир йўл кўприклари бунинг ёрқин мисолидир. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг юқориди қайд этилган давлат ташрифи чоғида мазкур кўприкларнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтган эди. Бундай замонавий ҳамда йирик иншоотларнинг ишга туширилиши фақат ўзбек ва туркман халқларининг фаровонлигига хизмат қилибгина қолмасдан, глобал иқтисодий ривожланиш жараёнига муваффақиятли интеграциялашга қучли туртки беради, сармоялар оқимини таъминлайди, икки мамлакат ҳамда бутун Марказий Осиёнинг транзит салоҳиятини оширади.

Аждодларимизнинг илмий, маънавий-маданий ва адабий мероси халқларимизнинг умумий мулки ҳисобланади. Бундай яқинлик маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожига мустаҳкам асос бўлмоқда. Ушбу йўналишдаги муносабатларни янада чуқурлаштириш учун ҳукуматлар ўртасида 2017 – 2019 йилларга мўлжалланган маданий-гуманитар ҳамкорлик дастури қабул қилинди. Уни амалга ошириш доирасида Ўзбекистон ҳамда Туркменистон вакиллари икки давлат ҳудудиди ўтказиладиган турли тадбирлар – концертлар, фестиваллар ва кўргазмаларда фаол қатнашаётдилар. Масалан, жорий йил 7 март куни Туркманободда санъат усталари ҳамда маданият арбобларининг қўшма концерти уюштирилган эди, апрель ойида эса Тошкентда “Ўзбекистонда туркман киноси кўнлари” маданий тадбири ўтказилди.

Шуни ишонч билан қайд этиш мумкинки, Шавкат Мирзиёевнинг Туркменистонга бўлажак амалий ташрифи мамлакатларимиз ўртасидаги аънанавий дўстона ва яхши қўшнчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қўмақлашади.

Г. НУРЖОНОВА, “Жаҳон” АА



ЯНГИ ЎҚУВ ВА ХИЗМАТ МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг халқаро ҳамкорлик ташкилоти бу борада махсус лойиҳани амалга оширмоқда. Унинг доирасида кейинги йилларда ташкил этилган семинар-тренингларда мингдан зиёд шифокор, ҳамшира, тиббиёт техникасига сервис хизмати кўрсатувчи мутахассис малака оширди. Янги марказнинг ташкил этилиши бу борадаги ишларни янги босқичга қўтаришга хизмат қилади.

Марказнинг ўқув ва амалиёт биноси замонавий ўқув-услувий ахборот технологиялари ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Бу ерда тиббиёт техникалари малакасини ошириш, соҳа учун мутахассислар тайёрлаш баробарида, тиббиёт техникаларига хизмат кўрсатилади. Жаҳон тиббиётининг бу борадаги илгор ютуқларини ўзлаштириш мақсадиди тараққий этган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик янада кенгайди.

– Президентимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳаси олдида қўйилган муҳим вазифаларни ўз вақ-

тида бажариш, халқимизнинг тиббий хизмат сифатидан рози бўлишини таъминлашда тиббиётнинг барча бўғинида юқори технологияли усул ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муҳим вазифадир, – дейди ЎЗА муҳбирига Тошкент врачлар малакасини ошириш институти ректори вазифасини бажарувчи Х.Оқиллов. – Бу чора-тадбирларни ўз вақтида ҳаётга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Соғлиқни сақлаш муассасалари янги диагностика ва даволаш воситалари билан жиҳозланаётган. Улардан самарали фойдаланиш ва яроқлилик муддатини узайтиришда тиббиёт техникаларига сервис хизмати кўрсатишнинг аҳамияти катта. Шу мақсадда институтимизда тиббиёт техникаларини тайёрлайдиган янги кафедра очилиши режалаштирилмоқда.

Тадбирда

Азим Тошкентимиз кундан-кунга гўзаллашиб борапти. Шаҳримизга ташриф буюрган ҳар қандай киши бунинг гувоҳи бўлади. Айниқса, бозорларимизни айтинг. Бу тўкин-сочинлик барчамизни қувонтиради. Анқонинг уруғини ҳам топса бўлади. Кейинги йиллари, аниқроғи, ўтган икки йил мобайнида мавжуд 12 та деҳқон бозорининг аксарияти реконструкция қилиниб, харидорлар учун қулай шарт-шароитлар яратилди.

Бозорлар – юрт кўзгуси, дейишади. Бозор асрлар мобайнида шаклланган. Бозорда нархни тортишасиз, савдодан кейин: "Бор, барака!" – қилинади.

Халқимизда отанг бозор – онанг бозор, деган нақл бор. Чунки ҳаётимизни бозорсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу гал шундай тўкинлик кунларда бир шаҳримиз бозорларини айланай, дедик.

Халқ тилида "Чорсу бозори" номи билан машҳур "Эски Жўва деҳқон бозори" – пойтахтимизнинг энг қадимий савдо маконларидан бири. Кейинги беш йил давомида у замонавий талаблар асосида қайта таъмирланди.

Бугун бозорда 3 мингдан ортиқ раста мавжуд. Бу ерда 5 та "Элга хизмат" шўъба корхонаси ишлаб турибди. Мақсад – аҳолини сифатли ҳамда нисбатан арзон нархлардаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан таъминлаш.

Аммо сафаримиз давомида талай камчиликларнинг ҳам гувоҳи бўлдик. Бозорда ҳамон маҳсулотларни ерга ёйиб олиб савдо қилиш ҳолатлари кўзга ташланади. Айрим расталарда товарларга нархлар ёзиб қўйилмаган. Ахир, бозорга кирган харидор маҳсулот нархини билиши керак эмасми? Бугун савдо маданиятини ҳаётимизга жорий этар эканмиз, оддийгина кўрингани билан, бироқ ўта зарур жиҳатларга алоҳида эътибор беришимиз лозим-ку.

Бу ерда гўшт ҳамда сут-қатик расталарининг айримларида маҳсулотларнинг нархлари кўрсатилмаган. Мол гўшти – 23 минг, қўй гўшти – 24 минг сўм, деб ёзиб қўйилгани ҳолда амалда мол гўшти – 27, қўй гўшти – 28, 29 минг сўмдан сотиляпти. Маълум бўлишича, бу нархларнинг ёзилганига анча бўлган. Қас-соблар бу нархларга амал қилмайди. Якка тартибдаги тадбиркор Азиз Раупов маҳсулотлари ветеринар кўригидан ўтган. Аммо гўштга нарх қўйилмаган. Якка тартибдаги тадбиркор Шўхрат Йўлдошев маҳсулотларида ҳам нархлар кўрсатилмаган. Пештахтада қолбаса, пишлоқ, қазӣ маҳсулотларини кўришингиз мумкин.

Барча бозорларда қуйидаги эълонларга кўзингиз тушади:

"Хурматли харидорлар!

"Элга хизмат" МЧЖ савдо расталарида пластик қарточкалардан тўловларни терминаллар орқали қабул қилишдан бош тортилса, савдо расталарида нархномалар ўрнатилмаган бўлса, қорхона маҳсулот етказиб берувчилардан қарздорлик ҳолатлари юзага келса, ушбу ҳолатларни бартараф этиш мақсадида "Тошбозорсавдо" уюшмасининг 236-36-29, 236-71-73 телефон рақамларига мурожаат қилишингизни сўраймиз".

Демак, ҳар бир маҳсулотга нарх ёзилган бўлиши шарт. Буни ким амалга оширади? Албатта, сотувчининг ўзи-да. Агар сотувчида савдо маданияти бўлмаса, қаерга бориш керак? Маҳсулотларга нарх қўйилмаганига боис сотувчи истеъмолчига ҳоҳлаган нархини айтиб сотмоқда.

Бу йил картошка баҳорга келиб бироз тақчил бўлди. Нархлар ўз-ўзидан ошиб кетди.

Сабаботлар растасига қараб юрамиз. Картошка, пиез, сабзи, қарам – ҳаммаси бор. Аммо бу ерда ҳам нархлар кўрсатилмаган. Сотувчининг бодринг ва помидор нархини сўраймиз. Бодринг 2,5 минг, помидор 10 минг сўмдан сотиляпти. Янги картошка 6 минг сўм, ўртача пиез 2,5 минг сўм.

"Элга хизмат" шохобчасида терминал бор. Айрим "учарлар" томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари "Элга хизмат" шохобчаси ёнида аравага ортилган ҳолда сотиляпти. Чорсу автотураргоҳларида шунчалик машиналар кўпки, юриб бўлмайди.

Олмазор туманида жойлашган "Қорақамиш деҳқон бозори" МЧЖнинг Таскибчев шохобчасидамиз. Сотувчи Чинчинов Турсунова Тошкент вилояти фермерлари учун ажратилган жойда ҳеч қандай ҳужжатсиз савдо қилмоқда. Турғун савдо нуқтасида сотувчи Сарвар Примов гўшт маҳсулотини сотаяпти, бироқ терминал йўқ.

Бозор раҳбари ўринбосари Аббор Тўйчиев билан савдо расталарини айланамиз. Жами 346 та растаси бор кичикроқ бозорчада биттагина "Элга хизмат" шўъба корхонасининг шохобчаси ишлаб турибди, ҳолос. Унда пиез 1 минг 800 сўм, картошка 4 минг 800 сўмдан сотиляпти, сабзи бор, ҳар бир қишлоқ хўжалиги маҳсулотига нарх қўйилган. Сотувчи Улфат Қўчқоровнинг маълумотномаси эскириб кетган. Янгилашни унутган кўринади. Бозорда помидор 8-10 минг сўм атрофида, сабзи, лавлаги 3 минг сўмдан сотиляпти.

"Қорақамиш деҳқон бозори" МЧЖга қарашли хонаки кушлар ва аквариум базилири шаҳобчасига ўтамиз. Халқ тили билан "қуш бозор" деб номланувчи бозорда тартибсизлик кўзга ташланади. Одам – гавжум. Ҳамма ҳоҳлаган жойида савдо қиляпти. Бу ерда, асосан, шанба кунлари бозор бўлади. Илгариги Бешёғочда жойлашган қуш бозори бир йил аввал Қорақамишга кўчирилди.

"Қуш бозори"дан чиқиб, "Юнусобод деҳқон бозори"га йўл оламиз. Гапнинг сирасини айтганда, Юнусобод деҳқон бозорида ҳар ҳолда озодалик, орасталлик, тартиб-интизом бор.

Бозорнинг 7 та жойида "Элга хизмат" шохобчаси фаолият олиб борапти. Бугун одамларни бозорда нима кўпроқ қизиқтиради? Албатта, картошка нархи. "Элга хизмат" шохобчалари юз фоиз терминал ва касса аппаратлари билан таъминланган. Нархлар ҳам – мўътадил. Янги пиез – 2, картошка 4 минг 500 сўмдан сотиляпти. Сабзи – 1 минг 500, қарам – 3 минг сўм. Товуқ гўштига 13 минг сўм нарх белгиланган. Бозорда "Паррандасаноат" уюшмасининг тўқум ярмаркаси, "Ўзбеккозиковкатзаҳира" уюшмасининг савдо, Сирдарё вилояти фермерларининг гўшт ярмаркалари ташкил қилинган. Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди.

Масъулларнинг айтишича, январь ойидан бери арзонлаштирилган нархларда картошка савдоси йўлга қўйилган. Бир кунда 4–10 тоннагача сотиляпти.

Бозорда "Халқ банки"нинг 3 та шохобчаси ишлаб турибди.

Ўзини Миробод туманилик Гуландом Суярова деб таништирган харидор "Ўзбеккозиковкатзаҳира"га тегишли шохобчаларда савдо бўлаётган жойларда терминал ишлатиш қўйишса, яхши бўларди, деган фикр-ни билдирди.

Гўшт расталарини айланамиз. Айрим гўшт расталарида нархлар қўйилмаган.

"UMAR ARS TRADE" фирмаси томонидан Хоразмдан келтирилган шакар 4 минг 900 сўмдан сотиляпти. Бу ерда терминал бор. Негадир соат 11.30 гача терминалда савдо қилинмагани маълум бўлди. Юнусобод тумани, Зарбулоқ кўчасида яшовчи Яйра Мелиеванинг айтишича, терминал орқали шакар савдоси йўлга қўйилмаган.

– Қаерга борсак: "Терминал йўқ", – дейишади, – дейди у қуйиниб.

Бозорда 42 та монитор ўрнатилган бўлиб, сотувчи ва харидорлар янгиликлардан хабардор қилиб борилади.

Мирзо Улугбек туманида жойлашган "Наврўз деҳқон бозори"нинг "Ширин" шохобчасидамиз.

– Бозорда ёнғин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиш бўйича қатор чоралар қўриляпти, – дейди Мирзо Улугбек тумани 7-ХЕХК бошлиғи, майор Рустам Ҳикматов. – Сотувчилар билан ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бўйича суҳбатлар ўтказилмоқда.

Бозорда жамоатчилик кенгаши фаолият кўрсатиб турибди. "Ахилбод" маҳалласи ва Улугбек посёлка-

сидан келган оқсоқоллар жамоат назорати олиб боришапти.

"Ойдин барака" фирмасининг шакар ва ёғ маҳсулотлари савдоси – авжида. Аммо фирма сотувчилари томонидан бор терминал ҳам муқим ишлатилмаяпти.

"Авиасозлар деҳқон бозори"нинг ўрта қисмида қурилиш-монтаж ишлари олиб боришмоқда.

Бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳамда буюм бозори ёнма-ён жойлашган. Буюм бозори 600 та турғун савдо дўконларидан иборат. Аммо, ҳамма дўконларда ҳам терминал бор, деб айтиш – қийин. Масалан, аёллар кийимлари билан савдо қилувчи 25-дўконда терминал йўқ, Сотувчи Лида Цойнинг айтишича, терминал олиш учун "Ипотека-банк"нинг Яшнобод филиалига ариза бериб қўйишган. Навбатда туришибди. Лекин ҳалигача банк уларни терминал билан таъминламаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги "Пул муомаласини янада такомиллаштириш ва банк пластик қарточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китобларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори билан чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, якка тартибдаги тадбиркорларнинг 2017 йил 1 мартдан бошлаб ҳисоб-китоб терминалларини ўрнатмасдан фаолият юритишлари тақиқланади. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 15 февралдаги Қарори талабларига мувофиқ нақд пул ёки пластик қарточка тўлов шаклига қараб нархларни сунъий равишда ошириш ёки пасайтириш ҳолатларига йўл қўймаслик, назорат-касса машиналари, ҳисоб-китоб терминалларини қўллаш, шунингдек, чеклар ва талонларни белгиланган тартибда бериш, нақд пул тушумларини тўлиқ, ўз вақтида инкассация қилиш қондаларига қатъий риоя этилиши тўғрисида огоҳлантирилди.

4-дўкон эгаси Дилноза Каримованинг дўконда йўқлиги сабабли унинг ўрнига сингилиси Нилуфар Исмоилова савдо ишлари билан шуғулланыпти. Дўконда терминал ҳам, касса аппарати ҳам йўқ.

99-сон дўкон – хусусий тадбиркор Асқар Мухиддиновга тегишли. У билан суҳбатлашамиз.

Дўконда эркаклар кийим-кечаклари тартибли қилиб олиб қўйилган, бироқ биор-касасида ҳам нархлар кўрсатилмаган.

– Биз қиймати белгиланган солиқ тўлаймиз, – дейди тадбиркор. – Шунинг учун нархларни ёзмаганмиз. Савдо қилсак ҳам, қилмасак ҳам, солиқ тўловимиз бир хил бўлади.

Демак, турғун савдо нуқталарини терминал билан таъминлаш масаласи тўлиқ ўз ечимини топмаган. Банк мутасаддилари бу масалада нима дейишар экан?

"Авиасозлар деҳқон бозори" раҳбари ўринбосари Нурмухаммад Муҳаммадиев билан расталарни айланамиз. "SUPERPRODUKT" фирмаси канцелярия моллари савдоси билан шуғулланар экан. Сотувчи касса аппаратини "топиши" учун 20 дақиқа кетди. Охири топиб келди. Бундан кўринадики, сотилган товарга касса чеки берилмаяпти.

Айрим тадбиркорларда махсус кийим йўқлигига эътибор қаратдик.

Раъно Каримова гуруч сотади. Бир кунга 9 минг 500 сўм патта пули тўлайди.

– Патент олишга энди ҳаракат қиляпмиз, – дейди у.

"Авиасозлар деҳқон бозори"да пиез 1 минг 800, янги картошка 6 минг сўмдан сотиляпти. "Элга хизмат"да картошка эрталаб тамом бўлган экан.

– Бугун 15 коп сотилди, – дейди сотувчи Дилфуза Астанов.

"Ойдин барака" фирмаси томонидан бозорда 4

минг 900 сўмдан шакар ва писта ёғи сотиляпти. 656-, 657-расталарда нархлар қўйилмаган. Сотувчи патентсиз савдо қиляпти.

"Қўйлик деҳқон бозори" доимо одамлар билан гавжум бўлади.

Бозорда Хоразм вилояти фермерлари томонидан савдо ярмаркаси ташкил қилинган. Сотувчиларнинг аксариятида махсус кийим йўқ, Бозор ҳудудидаги турғун савдо нуқталарининг айримларида терминал йўқ. Маҳсулотларни ерда сотиш ҳолатлари ҳам кўзга ташланади. Баъзилар растадан ташқарида, яъни белгиланмаган жойда савдо қиляпти. Масалан, Гулнора Абдуллаева ана шу тарзда олма сотаяпти.

– Бугун келдик, – дея баҳона қилишади айрим сотувчилар.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўлимида сотувчилар махсус кийим кийишмаган. Пиез 2 минг, картошка 5 минг сўмдан сотиляпти.

"Хонзодаҳон" хусусий дўконидида терминал йўқ ҳолда озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилинапти. Сабабини сўрасак:

– Энди олиб келишадим, – дейди сотувчи Ахрор Миркаримов бамайлихотир.

Гўшт маҳсулотлари растасида нархлар осиб қўйилган. Терминаллар билан жохланган.

Бозорни айланиб, бир ҳолатнинг гувоҳи бўлдик. Харидор (Ақбарали Аҳмедов) 18 минг сўмга ёғ сотиб олди. Сотувчи (Анвар Давлатов) унга чек уриб бермади. Сабаби – касса аппарати йўқ эди. Қаердан ҳам берсин?

– Ҳўжайин билади, – дейди сотувчи, – терминални энди оламиз.

Бозор ҳудудида тартибсиз ҳолатлар учрайди. Бу ерда ҳужжатсиз иш олиб бораётганлар кўпчиликини ташкил этади. Бозор ходимлари махсус кийим киймагани учун ким масъулу ким сотувчи, ким харидор эканлигини билиб бўлмайди ҳам.

Сергели туманидаги "Сергели деҳқон бозори"

8-мавзеда жойлашган. Мазкур бозор бугун ачинарли ҳолатга тушган кўринади. Бир пайтлар тўлиб турган расталар бўшаб ётибди. Саноклигина киши савдо қиляпти.

Аксарият турғун савдо дўконлари тақа-тақ ёпилган. Бозор таъмирталаб аҳволга келиб қолган. Пиез 2,5 минг, помидор 10 минг сўмдан сотиляпти. Расталар рақамланмаган.

Маҳсулотларга нарх ёзиб қўйилмаган.

Бозор деворлари уй бозоридаги эълонлар тахта-сини эслатади. 149 та дўкон ёпилган. Ҳеч ким савдо билан машғул эмас.

Унга қарши ўлароқ, 8-мавзеда жойлашган Сергели ярмарка бозори харидорлар билан гавжум. Бу ерда асосий эътироз сотувчиларнинг махсус кийимларни киймагани ҳамда айрим савдо қилувчилар томонидан маҳсулотларга нархларнинг ёзиб қўйилмагани бўлди.

Сотувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Ҳамшаҳарларимиз навбат билан бир кишига 5 килогача миқдорда арзонлаштирилган нархда картошка харид қилишапти.

"Фарҳод деҳқон бозори" да 2 минг 500 дан ортиқ раста ўрин олган. 4 та жойда "Элга хизмат" шохобчаси фаолият олиб боради. 1 минг 500 та растада сотувчилар ўрин олган. Бозорда сотувчи ва харидорлар учун етарли шароитлар яратилган.

Илгари айрим фуқаролар томонидан ноқонуний савдо жойига айлантирилган ерлар, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2017 йил 20 апрелдаги 453-сон қарорига асосан, бугун автотураргоҳга айлантирилди. Бу билан айрим "учарлар" томонидан ноқонуний савдо юритишнинг олди олинди. Лекин автотураргоҳ ҳудудида 40 – 50 нафарча фуқаро, барибир, ҳеч қандай ҳужжатсиз ноқонуний савдо фаолиятини олиб борапти. Бунга нима дейсиз?

"Фарҳод деҳқон бозори"да янги картошка 5, 6, янги пиез 2, 2,5 минг сўмдан сотиляпти. Помидорнинг нархи эса 8-10 минг сўм. "Ўзбеккозиковкатзаҳира" уюшмаси томонидан 1 минг 800 сўмдан кузги картошка савдоси ташкил қилинган. Уюшма мутасаддиларининг айтишича, бир кунда 15 минг тонна, шанба ва якшанба кунлари эса 16 минг тоннагача картошка сотилаётган экан.

Бозорда айрим маҳсулотлар нархлари кўринарили жойга қўйилмаган.

Ана энди хулосага ўтсак.

Аслида, бозорнинг ҳам ўз тартиб-қоида-си бор.

Ҳўш, бозорларимиздаги юқорида санаб ўтганимиз камчиликлар қачон бартараф этилади? Шамол талабларни даражасидаги савдо маданиятини замонлантиришнинг вақти етдику? Бинобарин, бозорларда сотувчи ва харидорлар ўртасида мутаносиблик бўлиши керак. Яъни, муомала маданияти, ўзаро иззат-ҳурмат бўлса бозорларимизга ҳам файз-барака киради, харидорларнинг ҳам диллари хушнуд бўлади. Қолаверса, харидор ўз ҳақ-хуқуқини қонун доирасида талаб қилса, масалан, терминал орқали тўлов тўланишини, касса чекини беришни сўраса албатта, бозорда тартиб-интизом бўлади. Шундангина бу ерда хизмат ва иззат узвийлиги юзага келади.

Хулласи калом, бозорлар борасида ютуқларимиз – ўзимизники, бироқ мавжуд муаммолар ва камчиликларимизни тузатмасак бўлмайди. Бозорларимизга мутасаддилар ўз ишларига танқидий ёндашиб, масъулиятни кучайтиришлари керак бўлади. Айниқса, "Элга хизмат" шохобчалари ўз маҳсулотларининг сифати билан харидорларни мамнун этишлари ҳам муҳим масаладир.

Шундай экан, халқни рози қилишнинг яна бир муҳим жиҳати айнан бозорларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни ташкил этишдан бошла-ниши керак.

Шундай эмасми, азизлар?

Зийрак бобога
Дилмурод НУРМАТОВ ҳамроҳлик қилди



ЗАМОНАВИЙ АРХИТЕКТУРА ВА ШАҲАРСОЗЛИК ТАЛАБЛАРИ



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тошкент шаҳри йилдан йилга қишлоқ чироғи очиб, миллий меъморлик аъёнлари ҳамда дунё архитектура ютуқларини уйғунлаштирган йирик мегаполисга айланмоқда. Замонавий иншоотлар, йўл ва кўприклар, хиёбонлар, истироҳат боғлари аҳолига кенг қулайлик яратмоқда. Буюк Британиядаги нуфузли "Экономист" журнали пойтахтимизни дунёдаги яшаш учун энг қулай 140 шаҳар орасида 58-ўринга лойиқ топгани ҳам бежиз эмас.

Бундан ташқари, пойтахтимизда яшил майдонларни кўпайтириш, ҳавонинг тозаллиги ва табиий дам олиш маканларига яқинлик каби мезонларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Амир Темури хиёбони пойтахтимиз аҳли ва меҳмонларининг энг севимли маканларидан биридир. Бу ердаги сунъий суғориш тизими пухта ўйлангани боис хиёбондаги гулзор ва майсазорлар эъзиринг жазирама кунларида ҳам ям-яшил бўлиб туради. Пойтахтимизнинг ана шундай хиёбонларида сайр қилиш, тоза ҳаводан нафас олиш, атрофдаги яшиллик ва маҳобатли архитектура ёдгорликларини томоша қилиш ўзгача кайфият бағишлайди.

Шаҳарлар инфраструктураси ривожланиши, уларнинг йирик мегаполисларга айланиши аҳоли учун янада сифатли турмуш даражаси, айниқса, пиедалар учун, сайр қилишлар учун зарур қулайликлар яратишни талаб этади. Бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ишлар кўлами кенгаймоқда, соҳада халқаро ҳамкорлик ривожланмоқда. Ушбу анжуман ҳам шаҳар меъморчилиги лойиҳаларини амалга оширишда аҳолининг яхши яшаш ва фаолият олиб бориши учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш борасида жаҳон тажрибасини ўрганиш мақсадида ташкил қилинди.

Ян Гейлнинг сўзларига кўра, замонавий жаҳон архитектураси одамларнинг қулай яшаш ва ҳаракатланишига мослаштирилган бўлиши лозим. Яшил майдонларни кўпайтириш, велосипед йўлакларини тармоғини ва пиедалар зонасини ривожлантириш бу борада энг кенг тарқалган ва самарали усуллардандир. Инфратузилмаси тобора ривожланиб бораётган шаҳарлар кўча ва майдонларини пиедаларга қайтариш зарур, бошқача айтганда, автомобилларнинг тўхтаб туриш жойлари, уларнинг тирбандлиги аҳоли ҳаёти учун ноқулайликлар туғдирмаслиги лозим.

Тошкент ям-яшил хиёбону майдонларга, боғроғларга бой шаҳар эканини алоҳида таъкидлашни истардим, – деди ЎЗА муҳбирига Ян Гейл. – Бу аҳоли учун янада қулай ва сифатли турмуш шароитини яратишга хизмат қиладиган омиллардан. Шаҳарларнинг аҳоли учун қулай тарзда барпо этилиши мамлакатга келаётган сайёҳлар оқимини кўпайтиришга ҳам хизмат қилади. Зеро, ҳар қандай одам турмуш тарзида, кўчаларда ҳаракатланиши жараёнида қулайликка интилади.

Дания Кириллиги Нафис санъат академиясининг меъморлик бўйича фахрий магистри, шаҳар архитектураси бўйича меъмор ва маслаҳатчи Ян Гейл Нью-Йорк, Копенгаген, Сидней, Лондон, Мельбурн каби йирик шаҳарлар кўчалари ва жамоат жойларини қайта қуришга оид лойиҳаларни учун қўллаб-қувватловчи муҳофизат соҳиб бўлган. Архитектор 50 йиллик фаолияти давомида шаҳарларда аҳоли учун кўркам ва қулай жамоат ҳудудларини яратишга улкан ҳисса қўшган. 2007 йилда Нью-Йорк транспорт департаменти Ян Гейл билан ҳамкорликда пиедалар ва велосипедчилар учун қулайликлар яратишга қаратилган қатор лойиҳаларни амалга оширган. Халқаро меъмор Нью-Йорк, Лондон ва Москва шаҳарларида жамоат жойларини аҳоли учун қулайлаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиққан. Унинг муаллифлигидаги 6 китоб 35 тилга таржима қилинган.

Тадбир давомида Ян Гейл шаҳарлар архитектурасини ривожлантиришда инobatга олиниши ва амалга оширилиши зарур бўлган ислохотлар юзасидан таклиф ва тавсияларини билдирди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ян Гейл раҳбарлигидаги делегация Тошкент метрополитени, "Шахидлар хотираси" ёдгорлик мажмуаси, Ҳазрати Имом (Ҳастимом) мажмуи, Темирийлар тарихи давлат музейида бўлди.

Нодира МАНЗУРОВА

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ТАШАББУСКОРЛАР
ТАҚДИРЛАНДИ

Ёшлар ижод саройида “Камолот” ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ва Халқ таълими бош бошқармаси билан ҳамкорликда Ҳаракат қошидаги “Камалак” болалар ташкилотининг XVI аъъанавий анжумани ташкил этилди.



Тошкент шаҳар “Камалак” болалар ташкилотининг “Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун!” шиори остидаги аъъанавий анжуманида давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, пойтахтимиздаги барча умумтаълим мактаб раҳбарлари, маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосарлари, бошланғич ташкилот етакчилари, “Камолот” ва “Камалак” сардорлари, туман сардорлар Кенгаши аъъзолари катнашди.

Мазкур анжумани ташкил этишдан кўзланган мақсад Ҳаракат қошидаги “Камалак” болалар ташкилоти томонидан амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш, келгусидаги устувор вазифаларни белгилаб олиш, ташкилот сардорларининг билим ва кўникмасини ошириш, илғор тажрибаларини оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш, ўқувчи-ёшларнинг ижодий, илмий қизиқишлари ва ташаб-

бусларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий фаоллигини янада ошириш, юртимиз ёшлари ўртасида мустаҳкам дўстлик алоқаларини ўрнатиш орқали уларни Ватан раънақи йўлида бирлаштиришдан иборатдир.

— Бугунги кунга қадар Ҳаракатнинг туман Кенгаши томонидан “Камалак” болалар ташкилотининг XVI анжуманилари ташкил этилиб, 5 мингдан зиёд ёшлар қамраб олинди, — дейди “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари, Тошкент шаҳар “Камалак” болалар ташкилоти раиси Бахтиёр Мамадалиев. — Тошкент шаҳри бўйича яқини қисми сифатида ўтказилган анжуманимизда эса жами 2200 нафар болалар жалб қилиниб, улардан 100 нафари тақдирланди. Ҳозирда “Камолот” ЕИХ Тошкент шаҳар Кенгаши ҳомийлигидаги “Камалак” бо-

лалар ташкилоти ўз атрофида 142200 дан ортиқ ёшларни бирлаштириб, шулардан 33000 дан зиёд ёшлар Ҳаракат тизимида сардорлик фаолиятини юритиб келмоқда.

Анжуманда ташкилотнинг яқунланаётган ўқув йилида олиб борган ишлари атрофида таҳлил этилиб, аъъзолар сафини янада кенгайтириш, улар орасидан ёш иқтидор эгаларини аниқлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш юзасидан истиқболдаги вазифалар белгиланди.

Тадбирда “Ҳуқуқий саводхонлик” йўналиши сардори, “Маънавият ва маърифат” йўналиши сардори, “Иқтидорли ёшлар” йўналиши сардори, “Спорт, саноат ва экология” йўналиши сардори, “Меҳр-саховат” йўналиши сардори, “Матбуот” йўналиши сардори, “Камалак сардори”, “Камолот” сардори, “Энг намунали туман Сардорлар Кенга-

ши”, “Энг намунали умумий ўрта таълим мактаби бошланғич ташкилоти” ҳамда “Энг намунали туман “Камалак” болалар ташкилоти” номинацияларида ғолибликни қўлга киритган ёшлар “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Анжуман “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати қошидаги ижтимоий хизматлар ҳамда “Баркамол авлод” болалар бадиий ижодиёт марказлари тўғрақлари ёшларининг ижодий кўрғазмаси ташкил этилди. Байрамона тарзда ўтган тадбирда эстрада хонандалари ва болалар ижодий жамоаларининг куй-қўшиқлари иштирокчиларга кўтаринки кайфият бағишлади.

Зиёда РАСУЛОВА
Ислом Исмоилов олган сурат

“101”

ЭХТИЁТКОРЛИК
ОСОЙИШТАЛИК ГАРОВИ

Ёнғин бир неча сония ёки дақиқа ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликларини ёндириб, кулга айлантиради.

Куйиш жароҳатидан азоб чекаётган болаларни кўриб, ёнғин хавфсизлиги борасидаги ўлкайдик қанчалар қимматга тушаётганлигини ҳис этасиз. Шундай ҳолатларга йўл қўймаслик учун болаларга ёнғин хавфсизлиги қоидаларини доимий равишда ўргатиб бориш лозим.

Ҳозирги кунда саноат корхоналарида ёнғин юзага келмаслиги учун тизимли ишлар амалга оширилган. Ёнғин чиқиш хавфи қамайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари қўлланилаётгани кўзга кўринадиган ҳол. Ёнғин ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган системалари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Шу ўринда ёнғин чиқишининг олдини олиш, ёнғин ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушиши ва уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Саноат корхоналарида бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низоми, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борилиши керак.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси давлат мулки ва ўз хонадонини кўз қорачигидек сақлаши ва асраб-авайлаши, уни бойитиши ҳақида қайғуриши муҳим.

Бахтиёр ХОШИМОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ 28-ХЕХК
кичик инспектори, сафдор

Бугун юртимизнинг барча ўлкасида қад ростлаган янги савдо марказлари, маъмурий-маданий бинолар, замонавий турар жойлар, спорт мажмуалари, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш муассасаларини кўриб, кўз қувнади. Албатта, бу моддий бойликлариимизни ёнғиндан сақлаш нафақат соҳа ходимларининг, балки барчанинг фуқаролик бурчидир.

Тошкент шаҳар ИИББ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ходимлари томонидан офатнинг олдини олиш борасида тегишли чора-тадбирлар кўрилиб, кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, тиббиёт ва халқ таълим муассасаларини ёнғинга қарши ҳолатлари кўриқдан ўтказилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасадди раҳбарларга тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, муассасалар ишчи-ҳодимлари билан Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари “Тилсиз ёв”га қарши курашиш мавзусида суҳбатлар ўтказилиб, йиғилиш иштирокчиларини қизиқтирган саволларига жавоб берди. Ҳушёрлик ёнғинлардан ҳимояловчи асосий қалқон эканлиги кўрғазмалар воситалар ва ҳаётини ми-соллар орқали тушунтирилди.

Айдушт БАЙИРБЕКОВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ 20-ХЕХК
инспектори, сержант

Олов тили учун мулкнинг катта-кичиги бўлмайди. Аланга олғач, мулк кадр-қиммати кулга айланиши мумкин. Шундай ҳодисаларнинг содир бўлмаслиги учун эса фуқароларнинг ўзи ташаббускор бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоида талабларини бажариши, фарзандларига ҳам ўргатишлари лозим.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати Сиздан қуйидаги ёнғинга қарши чора-тадбирларга риоя қилишини сўрайди:

- Газ ўчоқлари жойини ўзбошимчалик билан ўзгартириш тақиқланади;
- Газ ўчоқлари устида ювилган кирларни қури-тишга йўл қўйманг;
- Уйдан чиқиб кета туриб газ плиталарини ўчи-ришни унутманг. Газ чиқаётганини сезсангиз чи-роқни асло ёқманг;
- Ёқиб қўйилган электр иситиш асбобларини – электр дазмол, плита ва телевизорларни қаров-сиз қолдирманг;
- Махсус рухсатсиз қўшимча хона, гараж ва бошқа қурилиш ишлари бажарилиши ман этила-ди;
- Иморатлардаги қўшимча кутқариш йўлакча-лари ва автомобиль юрадиган йўлларни тўсиб қўйманг;
- Ерўлага тушиш, томга чиқиш (чордоқ) эшик-лари қўллангани шарт.

Ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилишда масъулияти-мизни оширайлик. Бу билан ўзимиз ва яқинлари-миз ҳаётини давлатимиз ҳамда шахсий мулкимиз-ни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Ёнғинга бўлсин ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осонроқдир!

Дилмурод МИРЗАЕВ,
Тошкент шаҳар ИИББ ЕХБ 20-ХЕХК
инспектори, сержант



Тошкент шаҳрида 19 май кунини ҳаво ўзгариб туради, ёнғинга қаршилик бўлмайди. Шарқон секун-дига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат ке-

часи — 15-17, кунду-зи — 27-29 даража иссиқ бўлади. Ўзгидрометнинг мо-ниторинг хизмати маълумотида кўра, 19 майда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида за-рарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имко-ният яратди, ифлосланиш даражаси паст бўлади.

ЎҚУВЧИ-ЁШЛАР
ТУРНИРИ

“Пахтакор” марказий стадионида

умумий ўрта таълим мактаб

ўқувчилари ўртасида “Камолот”

кубоги” футбол бўйича мусобақанинг

Тошкент шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

Ёшларни спортга бўлган қизиқишларини қўллаб-қувватлаш, уларни спортнинг футбол тури билан шуғулланишга кенг жалб этиш мақсадида умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари ўртасида ўтказилган мусобақа финалида Чилонзор туманидаги 162-ва Яшнобод туманидаги 161-умумтаълим мактаблари жамоалари ўзаро беллашди. 162-умумтаълим мактаби жамоаси аъъзолари рақиб дарвозасини ўн маротаба иш-гол этиб ўз дарвозасидан бир маротаба тўп олиб чиқди.

Шиддат билан кечган мусобақада чилонзорлик ёш футболчилардан иборат жамоа ғолиб бўлди. Ғолиб жамоага “Камолот кубоги” ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Улар мусобақанинг рспублика босқи-чига йўлланма олишди.

Нафосат СУЛТОНОВА

ШАХМАТЧИЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

60-йилларнинг охири эди. У вақтда мен республика радиосида “Болалар ва ўсмирлар” редакциясида ишлар ва бир қатор туркум эшиттиришлар қаторида “Ёш куч” мавзусидаги спорт эшиттиришини ҳам тайёрлардим.

Мазкур эшиттириш орқали шахматчи Мамажон ака Муҳиддинов билан таниш-ганман. У киши спорт эшиттиришлари-га шахмат олами ҳақида қисқа, аммо жуда қизиқarli маълумотлар тайёрлаб берар эди. Орадан йиллар ўтиб Мамажон ака Муҳиддинов биз яшайдиган “Марказ-5”га, яъни “Матонат” маҳалла-сига қўчиб келганларидан кейин янада қадрдон бўлиб қолди. У киши жуда билимдон бўлсаларда, камтарин инсон эдилар. Мамажон ака билан фақат шахмат ҳақидагина эмас, балки, адабиёт, тарих, одоб-ахлоқ ва бошқа соҳалар ҳақида ҳам соатлаб суҳбатлашиб қолар эдик.

М.Муҳиддинов доно шахматчигина бўлиб қолмай, кўп фанларнинг билим-дони эди. У шахмат бўйича Марказий Осиёдан етишиб чиққан биринчи спорт устаси эди. У тўрт марта Ўзбекистон чемпиони бўлган. Шахмат соҳасидаги катта ютуқлари ва ёшларни шахматга бўлган қизиқишларини оширишда кўрсатган хизматлари эътиборга оли-

ниб, давлатимиз томонидан унга “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий” деган фахрий унвон берилган. У халқ-аро тоифадаги ҳакам эди.

Шахмат назарияси ва услубиятига бағишланган дарсликлар қаторида “Шарқ — шахмат ватани”, “Ўзбекистонда шахматчилик”, “Аъзамовлар сулоласи”, “От ўйнатиб, фил суриб”, “Катакларга яши-ринган олам”, “Ақл мўъжизаси”, “Соҳиб-қирон доня сурганда”, “Ўн тўққиз че-мпон” деб номланган китобларни ёзди, таржималар қилди. Ватан олдидаги кат-та меҳнатлари учун 1997 йили “Дўстлик” ордени билан мукофотланди.

2002 йилдан бошлаб аъъанавий тар-зда “Хотира ва Қадрлаш” кўни олдидан М.Муҳиддинов хотирасига бағишлаб мактаб ўқувчилари ўртасида хотира тур-нири ўтказилиб келинаётгани шубу ин-сонга кўрсатилаётган чўқур эҳтиромнинг ёрқин намунасиридир.

Жумладан 2016 йилда “Матонат” ма-ҳалласида катта ёшдагилар ўртасида, жо-рий йилда эса “Хотира ва Қадрлаш кўни”

олдидан Мамажон ака Муҳиддинов ҳаёти-га бағишланган турнир “Қашкар” маҳал-ласида юқори кўтаринчилик, ёрқин хо-тиралар ёдга олиниб ўтказилди.

Ушбу турнирга шаҳардаги турли ма-ҳаллалардан 20 га яқин шахмат ишчи-бозлари йиғилди. Натижаларга кўра, “Буюк Турон” маҳалласида, истиқомат қилувчи Тўлиб Боймуродов, “Қашкар” маҳалласи вакиллари Ғайрат Ортиқов ва Қодиржон Назаровлар турнирда фаол иштирокчи деб топилди. Юксак иқтидор ва бор маҳоратини намойён эт-ган шахмат билимдонларига эсдалик совғалари топширилди.

Ҳар томонлама юксак савияда ўтган, барча иштирокчилар томонидан қўллаб-қувватланаётган ушбу турнирни шаҳар, республика миқёсидаги доимий турнир-га айлантиришдек хайрли мақсад ре-жалаштирилди.

Азиз ЁКУБОВ,
Республикада хизмат
кўрсатган журналист

Шаҳар Фавқулодда вазиятлар
бошқармаси фаолиятдан

МУҲИМ УЧРАШУВЛАР

Аҳолини ўз вақтида турли тасодифлардан огоҳ этиш, уларни фавқулодда вазиятларга тайёрлаш, бирор кўнгилсиз офат рўй бергудек бўлса, ундан сақланиш қоидаларини тушунтириш, тўғри ҳаракат қилишга ўргатиш мақсадида Тошкент шаҳар ФВБ Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходимлари томонидан жойларда тарғибот-ташвиқот ва тушунтириш ишлари олиб боришмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокими — Фуқаро му-ҳофазаси бошлигининг жорий йилининг 6 январдаги қарори ижросини таъмин-лаш мақсадида марказнинг ҳарбий хизматчилари пойтахт туманларида жойлашган умумтаълим мактаблари-да қатор учрашувлар ўтказди.

Бу тадбирларни ўтказишдан асо-сий мақсад пойтахтда жойлашган барча ташкилот, корхона, идора ва муассасаларда фаолият кўрсатаёт-ган аҳолини фавқулодда вазиятлар-нинг олдини олиш ва бундай вазият-ларда ҳаракат қилиш борасида тай-ёргарлигини янада тақомиллашти-ришдан иборатдир. Ана шундай тад-бирлар дастлаб пойтахтимизнинг бар-ча туманларида жойлашган умумтаъ-лим мактабларида бўлиб ўтди.

Бошқарма Аҳолини ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази ходим-

лари — катта ўқитувчи М. Асқарова, методист-ўқитувчилар М. Эргашева, А. Бойматов ҳамда 1-тоифали му-тахассис Т. Махмудовлар Фуқаро муҳофазаси, ҳаёт хавфсизлиги асосларига оид маърузалари билан катнашдилар ва тингловчилар томо-нидан берилган саволларга атроф-лича жавоб бердилар.

Таъкидлаш жоизки, бундай тадбир-лар жорий йилги иш режасига асо-сан ўқув машқлардан ташқари, пой-тахтимиз туманлари ҳудудида жой-лашган бошқа муассасалар, корхо-на ва ташкилотлар ҳамда аҳолининг иш билан банд бўлмаган тоифалари билан маҳаллаларда машғулотлар, учрашувлар ва давра суҳбатлари ўтказиш давом этмоқда.

Азамат СУЙОНОВ,
журналист

Реклама ва эълонлар

“REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибига ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

2017 йил 5 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўнмас мулклар такоран қўйилмоқда:

I. Тошкент шаҳри, Яшнобод туман СИБ томонидан: Тошкент шаҳар ҳўжалик Судининг 2016 йил 20 июль кундаги 10-1621/10427-сонли ижро ҳўжжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Мўмтоз кўчаси, 5-ўй манзилида жойлашган, умумий майдони 1162,0 кв.м. бўлган “Завод қисми” такоран савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 547 782 000 сўм.

2017 йил 20 июнь кўни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдоларига қуйидаги кўнмас мулклар қўйилмоқда:

II. Тошкент шаҳар, Сергели туман СИБ 29 январь кундаги 1-1-169/17-сонли ижро ҳўжжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Бездарчилик кўчаси, 14-ўй манзилида жойлашган, умумий майдони 346,0 кв.м. бўлган “Цех биноси” савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 547 782 000 сўм.

III. Тошкент шаҳар, Сергели туман СИБ 29 январь кундаги 1-1-169/17-сонли ижро ҳўжжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, М.Хайдар кўчаси, 54-ўй манзилида жойлашган, умумий майдони 481,0 кв.м. бўлган “Савдо дўқони” савдога қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 778 244 561 сўм.

IV. Тошкент шаҳар, Сергели туман СИБ томонидан ФИБ Яккасарой туманлараро судининг 2017 йил 13 март кундаги ижро ҳўжжатига асосан хатланган Тошкент шаҳри, Сергели тумани, Қўшқўрғон кўчаси, 59-ўй манзилида жойлашган, умумий майдони 695,0 кв.м. бўлган жой савдога қўйил-моқда. Бошланғич баҳоси — 187 500 000 сўм.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўхоро кўчаси 10-ўй манзилида бўлиб ўтади. Юридаги кўнмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакиллари иштирокида бевосита қўйилди чўкиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни ҳар кўни (дам олиш ва байрам кўнларидан ташқари) соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддат: 2017 йил 5 июнь кундаги аукцион савдолари учун 2017 йил 2 июнь кўни соат 16.00 гача. 2017 йил 20 июнь кундаги аукцион савдолари учун 2017 йил 16 июнь кўни соат 16.00 гача.

Аукцион савдосида қўнаниш истагида бўлган талабгорлар мулкнинг бошланғич баҳосининг 30 фоизи миқдоридан кам бўлмаган закалат пулини тўлов ҳўжжатида ижро ҳўжжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда савдо ташкилотчаси — “REALTOR GARANT BUSINESS” МЧЖнинг АИТВ “Ипак йўли” Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: хўр: 2020 8000 6049 3605 0001, МФО: 01101, СТИР: 207 125 885. Аукцион ғолиби сотиб олган мулк қийматини 5 банк кўни мобайнида тўлалигича тўлаш шарт. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бўхоро кўчаси, 10-ўй. Телефон: (8371) 233-09-38. www.rgbusiness.uz.

Лицензия: RR-0052.

Тошкент шаҳар Сергели тумани ТСРҲИ томонидан 2013 йил 17 октябрдаги №004055 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “PARTNERS SILVER” МЧЖ (ИНН 302729774) таъсис-чининг 2017 йил 15 майдаги №2 қарорига асосан ташкилот ўз фаолиятини қайта ташкил қилинаётганлигини маълум қилади.

Мурожаатлар қуйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади: +99890 901-18-82.

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: (0-371) 233-28-85.
Факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки
«Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бизнинг электрон манзил:
gazeta-vto@umail.uz

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кўнлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
9488 нусхада босилди.
Қўғоз Бичими А-2

Нашр учун масъул
О. Ҳазратов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонаси. Корхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-ўй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ

Топшириш вақти: 13.00

Босишга топширилди: 14.45